

3A

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ҲУДУДЛАРДА МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ва тадбирларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (таъмирлаш) ишлари бўйича — **Давлат бюджети маблағлари** ҳисобидан қопланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

бюджет ссудаси маблағлари электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун “**Худудий электр тармоқлари**” **АЖ**га ҳамда табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун “**Худудгазтаъминот**” **АЖ**га ажратилади;

махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар молия бош бошқармалари ҳузуридаги **автомобиль йўллари ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан** амалга оширилади.

4. Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда 2021-2022 йилларда махсус иқтисодий зоналарни ва кичик sanoat зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашга оид чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатларини;

2021 йил 1 апрелга қадар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида қиймати **250 миллиард сўм миқдордан ошадиган хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг** инвестиция лойиҳалари ташқи инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисmini давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Махсус иқтисодий ва кичик sanoat зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация

инфратузилмаси билан таъминлашга давлат бюджетидан маблағлар ажратилишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш бўйича **махсус комиссия** иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

6. Махсус комиссия (Т.А.Ишметов):

ҳар ой якуни билан жойлардаги махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналарининг ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминланганлиги ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

Давлат бюджетидан, шу жумладан, бюджет ссудаси ҳисобидан ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича тақдим этилган тақлифларни кўриб чиқиш ва тегишли хулоса беришни;

ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашда молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиб боришни ҳамда махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг энг мақбул йўналишини белгилашни;

ташқи муҳандислик-коммуникация инфрату-

зилмасини яратиш билан боғлиқ тадбирларга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг натижадорлигини таъминласин.

Махсус комиссиянинг ишчи органи этиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги белгилансин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб, ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари учун ажратиладиган Давлат

бюджети маблағларини Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилишини кўзда тутсин.

8. Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги билан биргаликда махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишларига ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарини Ж.А.Қўқоров ва С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 18 декабрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Нуқтаи назар

Бошланиши 1-бетда

ЯНГИ РЕНЕССАНС: ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати
раисининг биринчи ўринбосари



Кўп йиллар мобайнида мамлакат ривожига хос бўлган сустраслик, турғунлик, кўндаланг турган вазифаларни бажармасдан, уларни пайсалга солиш, муаммолар ва зиддиятларни берkitиш сиёсатиға барҳам берилди. Меъдаға теккан “боқичма-боқич, аста-секин” деган гаплар унутилиб, бугун жадаллик билан чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. Жамиятда янги муҳит яратилди. Илгари деярли бўлмаган ижтимоий, сиёсий ҳаёт пайдо бўлди, оммавий ахборот воситалари жонланди, фуқаролик жамияти фаоллашмоқда.

Энг муҳими, одамлар ўз эркинлиги ва ҳуқуқларини англамоқда, уларда дахлдорлик ҳисси ва жамият тақдири учун масъулият ошмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” даъваткор ғоясини илгари сурди. Бунда ниҳоятда чуқур маъно бор. Миллий тикланиш, ўзлигимизни англаш, миллий давлатчилигимизнинг асосларини қайтадан барпо этиш боқичи тугади. Энди Ўзбекистонни ўз тарихий, цивилизациян ўрнини янгидан тиклаш, ўзбек халқининг генетик инсоний салоҳиятиға монанд тараққиёт даражасини таъминлаш, учинчи Ренессанс барқ уриш даври келди.

Бу фақатгина шиор ёки умумий даъват эмас. Унинг аниқ йўналишлари, муайян дастурлари мавжуд. Биринчи навбатда, биз тарихға назар ташлаб, илгари Ренессанслар сабоқларидан хулоса чиқариб, ҳаракатларимизни замонамиз талаблари, давр императивлари билан уйғунлаштиришмоғимиз лозим.

Аввалги икита Ренессанс даврида ўлкамиз дунё мамлакатлари орасида ривожланишнинг энг юқори чўққисига чиқди. Сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий салоҳият бобида ўша йилларда ҳеч бир бошқа мамлакат ўлкамизға тенглаша олмас эди.

Манбаларға қараганда, биринчи Ренессанс даври, яъни 9-10 асрларда

Самарқандда зарб этилган дирҳам тангаси бутун Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларида муомалада бўлган пул маблағларининг учдан бирини ташкил этган. Ҳаттоки скандинавиялик викинглар ҳам ўз улушларини дирҳамларға алмаштиришға ҳаракат қилган. Яъни айнан Самарқанд дирҳами ўша пайтда кучли қийматға эға, умумэътироф этилган халқаро айирбошлов воситаси, халқаро валюта функциясини бажарган. Бунда ўша давлатнинг мавқеи, салоҳияти, унга бўлган ишонч, унинг иқтисодий салоҳияти ва қуввати намоён эди.

Табиийки, бугун биз учун муҳим савол — ўша даврдаги залворли ютуқлар заминида нима ётган? Қайси омиллар Марказий Осиё Ренессанслари вужудға келишини таъминлади? Уларнинг тугашиға нима сабаб бўлди?

Биринчидан, инсоният кўрган барча Ренессансларға — Европа, Ислом, Марказий Осиёдаги уйғониш давларининг барчасиға бирдек хос бўлган хусусият антропоцентризмдир. Уларнинг барчасида фан, таълим ва маданият гуманистик ғояларға таяниб, авваламбор, дунёвий характерға, рационал мазмунға эға бўлган. Илмий изланиш, маданият ва санъат ижоди марказида ҳазрати инсон, унинг ҳаёти ва фаолияти, фикр ва ҳиссиётлар, умид ва истаклар, муаммо ва зиддиятлар гавдаланган. Бундан хулоса шуки, Ренессанс инсон эҳтиёжлари, эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашдан бошланади.

Бежиз эмаски, сўнгги тўрт йил мобайнида бу соҳаға мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Илмий ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалға оширилмоқда. Диний эркинликини таъминлашға қаратилган қатор ҳуқуқий ва институционал чоралар кўрилди. Суд-ҳуқуқ тизимида инсонпарварлик жараёни илдиэ отмоқда. Энди у фақатгина жазолаш эмас, балки, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муассаса-

сасиға айланмоқда. Мажбурий меҳнатға жалб қилиш ҳолатларини тугатиш бўйича амалий натижаларға эришилди.

Гендер тенглик сиёсати устувор масалаға айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентида аёл депутатлар сони икки баробар кўпайди. Коррупцияға қарши муросасиз кураш янги босқичға кўтарилди. Октябр ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашға аъзо бўлди. Иккинчидан, Марказий Осиёдаги биринчи Ренессанс маърифатпарварлик, диний қадриятлар гуллаган даврға тўғри келади. Ўша пайтда фан ва санъатнинг мислсиз юксалиши бу юрта билем, маърифатға юксак эътибор муҳити қарор топгани билан боғлиқ.

“Алақ” сурасида ҳар бир мусулмонға илмға тинмай интилиш буюрилган. Унинг биринчи оятларидаёқ қуйидаги сўзлар нозил: “Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз инсониятға қаламини ўратган ўта қарамли зотдир!”

Ислом динининг бундай эзгу ўғитларидан озиқланган илм-маърифатға интилиш қадриятлари бугун жамиятимизда янада янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Китебға бўлган иштиёқ қайта тикланмоқда. “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” ғояси асосида таълим тизими тубдан ислох қилинмоқда. Педагог ҳодимларнинг иш ҳақи сўнгги тўрт йил мобайнида бир-ярым баробар ортди, 15 миңг эркак ўқитувчи мактабға қайтди. Жамиятда ўқитувчи мактаб ва обрўсини юксалтириш мақсадида аниқ чоралар кўрилмоқда.

Мактаблар замонавийлаштирилмоқда. Уларнинг қарийб 6 минги ўта тез интернетға уланди. Замон талабиға монанд, табиий фанларға ихтисослашган мактаблар сони кўпаймоқда. Фақатгина шу йилнинг ўзида математик йўналишда 56 та ва кимё-биологик йўналишда 27 та мактаб барпо этилди.



Келгуси йили 82 та информация-коммуникация мактаби очилади.

Таълим тизими диверсификациялашмоқда: уч йил мобайнида хусусий мактаблар сони 6 баробар ортди.

Учинчидан, Марказий Осиёда маърифат даври пайдо бўлиши жамиятда юқори иқтидорли, илмға интилган, эркин фикр юритувчи ва давлат томонидан эъзозланган ҳамда рағбатланган шахслар мужассамлангани билан боғлиқ.

Фан, инновация ҳар бир Ренессансининг пойдевориридир.

Бугунги дунёда рақобат тобора кескин тус олмоқда. Тўрттинчи sanoat инқилоби даврида рақобатбардош бўлиш фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш билан боғлиқ.

Инновация — бу бугун хоҳишға боғлиқ ихтиёрий қарор эмас. Бу — зарурият, давр талаби, мамлакат, жамиятнинг тақдирини ҳал қилувчи, ҳаёт-мамонт масаласидир.

Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 125 таға етди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионға яқин ёш ҳужжат топширди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагиға нисбатан 40 фоиз кўдир.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш, уни тўлақонли замонавий фан ва олий таълим тилиға айлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади.

Ўз даврида Марказий Осиёда фаннинг гуллаши шаҳар цивилизациясидан келиб чиққан. Юнон жуғрофи Страбон эрамининг биринчи асрида минтақани “1 миңг шаҳар ўлкаси” деб таърифлагани маълум.

Бежиз эмаски, Ўзбекистонда урбанизация дастури ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Илмий изланишларнинг самарадорлиги фаннинг амалиётға яқинлиги билан боғлиқ. Минтақа кўпгина

тадқиқотчилар томонидан “гидравлик цивилизация” сифатида таърифланган ва ҳаётий эҳтиёжларнинг ўзи, яъни мураккаб сув иншоотларини қуриш ва уларни ишлатиш билан боғлиқ муаммолар қатор табиий фанлар ривожини таъминлаган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётға таъбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Тўрттинчидан, биринчи ва иккинчи Ренессанслар жамиятда эркин фикр юритиш маҳсули бўлган. Яратилган бетакорор илмий ва маданий дурдона асарлар айнан жўшқин интеллектуал ҳаёт натижасидир.

Ибн Сино, Беруний ва бошқа мутахассислар илмий ҳамжамият олдида энг қалитс саволлар беришдан ҳайқанган. Улар доврақлиқ билан ақидапараст, аксилрационал оқимлар вакиллари билан очиқ баҳс қила билган ва шунинг эъзизига илм чўққиларини забт этган.

Уйғониш даври, Ренессанс — фикр монополиясига зид. У ғоялар хилма-хиллигини талаб қилади.

Бугун жамиятимизда тобора эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очқилик ва ошқоралик тамойиллари илдиэ отмоқда. Бу ортға қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман. Оммавий ахборот воситалари ҳукумат фаолияти ҳақида аҳолини хабардор қилиш ва айни вақтда унга халқ фикри, орзу-умидлари, норозилигини етказиш, ҳокимият шаффофлигини таъминлашда тобора фаол роль ўйнамоқда. Бу ҳам давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, ҳам жамият барқарор ривожининг омиллидир.

Бешинчидан, Ренессанс, уйғониш даври ҳақида гапирар эканмиз, унинг ҳал қилувчи омилларидан бири — бу дунёға очқилик ва ташқи алоқаларнинг кенг қамровлигидир.

Аввалги Ренессанслар йирик макроминтақда муштарак маданий, гу-

манитар макон вужудға келгани билан изоҳланади. Минтақамизға азал-азалдан хос бўлган доимий халқаро мулоқот, маданий алмашинув халқимизда ўзига хос менталитет шаклланишиға сабаб бўлди. Унинг белгилари сифатида бағрикенглик, ксенофобия ва диний фанатизм деярли йўқлиги, ўзға маданият, дунёқараш ва янгиликларға очқиликни кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, узок масофали савдо Марказий Осиёнинг юксалишида ва гуллаб-яшнашида катта роль ўйнаган. Буюк ипак йўли нафақат товарлар, балки маданият, ғоя, илмий ҳақиётлар айирбошлаш воситаси бўлган. Мана шундай халқаро савдо бўғини сифатидаги мавқенинг йўқотилиши кейинги ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудининг қоқоқ бир юрта айланишиға сабаб эди.

Бугун янгиланган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати айнан очқилик руҳида ва ташқи алоқаларни барча йўналишларда — Ғарбу Шарқ, Жанубу Шимол йўналишида бирдек ривожлантиришға қаратилгани бежиз эмас.

БМТнинг 75-Бош Ассамблеясида сўзға чиқиб, Ўзбекистон лидери минтақамизнинг кўхна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятға эға эканини ҳаёқ этиб, келаси йил ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзуйда халқаро форум ўтказиш тақлифини киритди.

Олтинчидан, тарих шуни исботлайдики, жамият тараққиёти, илм ва фан ривожини мамлакатдаги сиёсий муҳит, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси, дунёқарашини, ёндашуви ва шахсий позициясига боғлиқ.

Охириги йиллар мобайнида Ўзбекистон раҳбари дунёда энг нуфузли давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан янги формациядаги ва катта обрў қозонган арбоб сифатида тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида асосий сиёсий платформа си ва бош мақсади Ўзбекистонни ривожланган мамлакатға айлантириш ва бунға жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эришишдир.

Бу эса Ўзбекистоннинг мавқеини кўтариш, миллий мақсадларимизни илгари суришнинг энг муҳим омиллидир.

Хулоса шуки, Ўзбекистонда бугун жадаллик билан кечаётган ана шундай ислохотлар, жамиятдаги янгиликлар мамлакатда кезаётган уйғониш руҳидан далолатдир. Учинчи Ренессанс узок истиқбол масаласи эмас. У бугун, ушбу онда жамиятимиз, унинг ҳар бир жаҳасида муттасил этилиб келаётган реал воқеялидир. Ишончимиз комилки, юртимизда бошланган бу янгиликлар изчил давом этади ва халқимиз орзу қилган буюк давлат, фаровон келажак барпо этишда мустаҳкам пойдевор бўлади.





ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРГАН ТАШАББУСЛАР

давлатимиз раислик қилган МДХ кенгаши йиғилиши мазмунини янада бойитди

МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг бу йилги йиғилиши илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтди. Саммит кун тартибиде МДХ доирасидаги кўп қир-

рали ҳамкорлиқнинг ҳолати ва устувор йўналишлари кўриб чиқилиб, ўзаро шериклик муносабатларини мустақамлаш бўйича биргаликдаги режалар белгилаб олинди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан ил-

гари сурилган ташаббуслар нафақат мамлакатимиз ривожига, балки барча аъзо давлатлар манфаатига хизмат қилиб, бугун ҳукм сураётган мураккаб шароитдан қўлни қўлга бериб чиқиб кета олишга ҳам замин яратди.

Албатта, барча сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг МДХга жорий йилги раислигини алоҳида эътироф этди. Йил бошидан Ўзбекистон муҳим ва долзарб режаларни тақдим этиш билан бирга, бу йилги қийин шароитга қарамай, раислик вазифасини муваффақиятли бажарди.

Утган вақт давомида Ўзбекистон раислигида ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган кўплаб тadbирлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг 13 мартда Москва шаҳрида МДХ иқтисодий кенгашининг йиғилиши ҳамда иқтисодий форум бўлиб ўтди. Йил давомида 4 маротаба ўтказилган Иқтисодий кенгаш йиғилишлари ва учрашувларининг барчасида ҳамкорлик учун муҳим қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон раислигида ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2 та йиғилиши ўтказилди. Уларда

муҳим ҳужжатлар кўриб чиқилди ва қабул қилинди. Мен, биринчи галда, МДХ мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ва уни амалга ошириш режаси бўйича қилинган ишларни алоҳида таъкидламоқчиман. Бундан ташқари, 2030 йилгача мўлжалланган инвестициявий ҳамкорлик дастури ва ижтимоий хавфсизлик соҳасидаги узоқ муддатга йўналтирилган бошқа кўплаб ҳужжатларни кўриб чиқяпмиз. Яъни биз келажакни кўзлабмиз.

Бугун барча иштирокчилар Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар ва уларнинг ижроси учун миннатдорлик билдирапти. Айниқса, шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонда ўтказилган ва жуда кўп тadbирларга бой бўлган Ишбилармонлик ташаббуслари ҳафталиги катта воқелик бўлди.

чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини айтиб ўтди. Бундан ташқари, МДХ мамлакатларининг иқтисодиёти, савдо ва кооперация алоқаларини жадал тиклаш, электрон савдони ривожлантириш кераклиги таъкидланди.

Пандемия шароитига қарамай, барча йўналишларда ўзаро ҳамкорлик барқарор давом этди. Бу борада Президентимиз саноат кооперациялари бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш кераклиги, шу билан бирга, транспорт соҳасини ривожлантириш, бу орқали тadbиркорлик, гуманитар, сайёҳлик алмашинувларимизни тезроқ йўлга қўйиш лозимлиги хусусида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, МДХ давлатларида меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқий-ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишдаги муаммоларни ҳал қилиш учун махсус дастур қабул қилиш кераклиги таъкидланди.

Саммитда давлатимиз раҳбари яна

бир қатор масалаларга эътибор қаратди. Хусусан, эпидемиялар давридаги ҳамкорлик, илм-фан, ижодиёт вакиллари фаолияти, гуманитар алоқаларни мустақамлаш, ҳуқуқий алмашиш масалалари шулар жумласидандир. Биз учун энг аҳамиятлиси эса давлатлар ўртасидаги барча ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини ривожлантиришда парламентларнинг ўрни ортиб бораётгани эътироф этилгандир.

Президентимиз келгуси йилда МДХ парламентлараро ассамблеясининг йиғилишларидан бирини мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтказишга тайёр эканлигини билдирди. Айтиш керакики, МДХ саммитида қабул қилинган қатор ҳужжатларни амалиётга татиқ этишда парламентларнинг муҳим ўрни бор. Биз МДХдаги ҳамкасбларимиз билан бу борадаги вазифаларимизни белгилаб оламиз ва муваффақиятли амалга оширамиз.

казлар билан енгаш мумкин. Бундан ташқари, жуда жиддий иқтисодий масалалар пайдо бўлди. Транспорт коммуникацияси, экология, таълим, маданий-гуманитар, ҳарбий-техникавий соҳа, ижтимоий ва минтақавий ҳамкорлик масалалари юзага чиқди. Буларни биз, аввало, қўшни давлатлар, минтақа мамлакатлари билан биргалашиб ҳал қилишимиз мумкин. Шу боис, шериклар билан яқин бўлиб ишладик ва раислигимиз даврида олтимишга яқин жуда муҳим ҳужжат қабул қилиниб, етмишдан кўпроқ турли тadbир ўтказилди. Мана, бугун ҳамма Президентимизга ўз миннатдорлигини билдириб, Ўзбекистон раислигига юқори баҳо берди. Бир неча давлат раҳбарлари Президентимизга мурожаат қилиб, “Биз мана шу йўналишларни ўзимизнинг режаларимизга асос қилиб олишимиз керак”, деган фикрларни билдиришди.

аъзо мамлакатлардаги саноат тармоқлари кўп маънода бир-бирини тўлдирди. Бир-бири билан боғлиқ ва пайдо қилинган қиймат занжирини ўларо қилувчи тармоқлар, десак муболага бўлмайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари келгуси йилда Тошкентда саноат кооперацияси форумини ўтказиш таклифини билдирди. Албатта, бу форумга катта тайёргарлик кўришимиз лозим бўлади. Унда ўзбекистонлик тadbиркор ва саноatchилар бошқа мамлакатлардан келадиган кўплаб ҳамкасблари билан йирик шартномалар тузишга эришади. Tadbир натижасида ишлаб чиқаришни боғлаш, кооперацияни ривожлантириш юзасидан кўплаб келишувларга умид қиламиз. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти янада юксалади, иш ўринлари яратилади ва натижада бу таклиф халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилади.

МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг муҳим натижалари сифатида қўйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин. Биринчидан, МДХга аъзо мам-



Сергей ЛЕБЕДЕВ,
МДХ ижроия кўмитаси
раиси-ижрочи котиби:

— МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилишида турли соҳаларга оид 14 та муҳим ҳужжат кўриб чиқилди.



Танзила НОРБОВЕВА,
Олий Мажлис Сенати раиси:

— Саммит ишида барча давлатлар учун аҳамиятли бўлган масалалар атрофича кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқирозни тезроқ енгаш учун ҳамма мамлакатларга манфаатли бўлган ёндашувларни ишлаб



Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазири:

— Президентимиз ўз нутқида жуда долзарб масалаларни кўтарди. Ҳар битта масала давлатлар келажиги



Жамшид КЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари,
иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазири:

— Президентимиз ўз чиқишида бир муҳим ташаббусни илгари сурди.

Бу ташаббус — саноат кооперациясини ривожлантириш. МДХга

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МДХДАГИ РАИСЛИГИ ДАВРИДА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлисида муҳокама қилинган масалалар ва илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамятда катта қизиқиш уйғотди.



Леонид МАРИНИЧ,
Беларуснинг Ўзбекистондаги
элчиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида МДХ Давлат раҳбарла-



Ибрагим ЖУНУСОВ,
Қирғизистоннинг
Ўзбекистондаги элчиси:



Ким Ёнг Гу,
Жанубий Корея — Ўзбекистон
бизнес уюшмаси раиси:

— Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси МДХ маконидаги



Содиқ ИМОМИЙ,
Тожикистоннинг
Ўзбекистондаги элчиси:

ри кенгаши мажлиси кун тартибига Ҳамдўстлик доирасида барча соҳаларда олиб борилаётган ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболларини баҳолаш масалалари киритилди. Улар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва янги таҳдидларга қарши курашиш масалаларини қамраб олди.

Ўзбекистон Президенти МДХнинг узоқ муддатли вазифалари ҳақида ўз фикрларини билдирди ва амалий шериклик бўйича аниқ таклифларни илгари сурди. Давлат раҳбари МДХ бугунги кунда улкан ижобий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади.

Бу йил Ўзбекистон биринчи марта МДХда раислик масъулиятини ўз зиммасига олди.

МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш, Ташқи

ишлар вазирлари кенгаши ва бошқа соҳавий органларнинг йиғилишлари онлайн форматда муваффақиятли ўтказилди. Бир қатор ҳужжатлар, жумладан, 2030 йилгача мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегияси, ҳамкорлиқнинг транспорт, туризм, спорт ва ёшлар сиёсати соҳасидаги устувор йўналишлари қабул қилинди.

Мен Беларусь ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожини ифода этадиган аниқ рақамларни келтирмоқчиман. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси жорий йилнинг 10 ойи давомида 195 миллион долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,2 фоизни ташкил этади. Ушбу рақамлар МДХга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик амалий ривож топаётганини кўрсатмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги МДХ саммити ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтди. Мамлакат шу билан бирга Ҳамдўстлигидаги раислигига яқун ясади.

Анжуманда МДХни 2030 йилгача ривожлантиришга қаратилган концепция ҳамда уни амалга ошириш бўйича асосий тadbирлар режаси муҳокама қилинди. Концепциядан стратегия мақсадлар ва келгуси ўн йилда бажарилиши керак бўлган вазифалар ўрин олган. Мазкур ҳужжат энг долзарб паллада қабул қилинди.

Саммитда раислик қилган Ўзбекистон Президенти ўз нутқида аниқ ташаббусларни илгари сурди. МДХ мамлакатлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустақамлаш, Ҳамдўстлиқнинг янада ривож топиши

учун қандай қадамлар ташлаш кераклигини аниқ тушунтириб берди.

2020 йил коронавирус пандемияси ўзаро ҳамкорлигимиз, борди-келдимизга халал қилаётганига қарамаздан Ўзбекистон ўзининг раислиги даврида МДХ доирасидаги барча тadbирларни ўз вақтида ўтказди.

Пандемия даврида Ўзбекистон Қирғизистонга энг кўп ёрдам кўрсатган давлат бўлди. Инсонпарварлик ёрдами самолёт, поезд ва автомобилларда етказиб берилди. Ўз навбатида, Қирғизистондан ҳам Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Мен Ўзбекистонни МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси юксак даражада ўтгани билан чин дилдан муборакбод этаман. Шу билан бирга бизнинг дўстлигимиз бундан-да мустақам ва кучли бўлишини тилайман.

интеграцион жараёнлар чуқурлашиши ва ушбу минтақада савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг барқарор механизмлари шакллантирилишидан манфаатдор.

Мен МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисини, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлиқни мустақамлашга қаратилган ташаббусларга бой бўлган нутқини катта қизиқиш билан кузатдим. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор соҳаларда саноат кластерлари комплексини яратиш тўғрисидаги таклифи юксак баҳога лойиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг минтақадаги парвозларни,

бизнес ва сайёҳлик алмашинувини қайта тиклашга чақириги жуда муҳимдир. Бугунги мураккаб вазият курсатиб турибдики, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантирмасдан, айниқса, қўшни давлатлар билан шериклик алоқаларини мустақамлашмасдан бирон-бир мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаб бўлмайди.

Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъияти ва фаол саъй-ҳаракатлари самарасида Марказий Осиё сўнгги йилларда ўзаро чамбарчас боғлиқ ва биргаликда ривожланаётган мамлакатларнинг мулқо янги минтақасига айланганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мен Ўзбекистон МДХдаги раислиги даврида ушбу ташкилот фаолиятини такомиллаштириш ва ҳамжихатлигини оширишга катта ҳисса қўшганига ишонаман.

Ўзбекистон Республикасининг МДХдаги раислиги бизнинг ўзаро алоқаларимизни янада ривожлантириш, Ҳамдўстлик салоҳиятини барча аъзо давлатлар ва халқлар манфаати йўлида янада бойитиш имкониятини берди.

Истеъмолчи ҳукуқи

Назорат хариди:

ҲЕЧ БИР БАҲОНА СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИШ УЧУН АСОС БЎЛА ОЛМАЙДИ!



Элмурот ҲАЙТМЕТОВ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги директори

Хорижий давлатлар тажрибасида “Назорат хариди” деган тушунча бор. Бу жамоатчилик назоратининг самарали шакли, дея баҳоланади. Яъни савдо расталарида сотилаётган маҳсулотлар харид қилиниб, лабораторияларда экспертизадан ўтказилади. Сифати талабга жавоб бермайдиган, давлат стандартларига мос бўлмаган маҳсулот ҳамда уни ишлаб чиқариш (сотиш) билан шуғулланувчилар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчиларга ҳеч қандай молиявий ва ҳуқуқий санкциялар қўлланилмайди. Савдо масканларидан оддий харидор сифатида харид қилинган маҳсулотлар сифати ҳақида аҳолига маълум қилинади, холос. Қолгани харидор ва истеъмолчиларнинг ҳукмига ҳавола.

АГЕНТЛИК ВАЗИФАЛАРИ

Президентимизнинг 2019 йил 11 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси монопольяга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, агентлик зиммасига чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачаларида товарлар ва хизматларнинг назорат хараидини олиб бориш, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан ўтказилишини ташкил қилиш вазифалари юклатилди.

Бундан ташқари, ташкилотимизнинг чакана савдо шохбачаларида халқ истеъмоли товарлари назорат хараидини амалга ошириш ва товар (иш, хизмат)ларни экспертизадан ёки лаборатория синовларидан ўтказиш, шу жумладан, импорт ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида саноат трансфеллари, жумладан, техник пальма ёғи бўлмаслиги устидан назорат ўрнатиш вазифаси ҳам белгиланган.

МАҲСУЛОТ ТАРКИБИ ВА ТЕХНИК ҲУҶЖАТЛАРИ БИЛАН ҚИЗҚИҲ!

Халқимизда нон азиз маҳсулот сифатида қадрланади. Дастурхонимизнинг кўрки — нон. Мехмонга борганда ҳам бир жуфт нон кўтариб кириш анъанаси бор. Аҳоли энг қўн ва севиб истеъмол қиладиган маҳсулот ҳам айнан шу. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, дўкон расталари-

ни безаб турган турли шаклдаги нонларнинг барчаси ҳам сифат жиҳатдан юқори бўлавермайди. Баъзиларнинг ичи яхши пишмай, баъзиларининг муддати ўтиб қолади.

Агентлик “Ўзстандарт” агентлиги ва Санитария-эпидемиология хизмати билан ҳамкорликда 27 та савдо шохбачасида қопилли нон сифатини ўрганиш тадбирларида 2 та ҳолатда маҳсулотнинг хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича талабларга жавоб бермаслигини аниқлади.

Мехмондўст халқимизнинг дастурхонини нафақат нон маҳсулотлари, балки шириндан-шакар пишириллар ҳам безаб туради. Айниқса, улар болажонларнинг жону дили десак, хато бўлмайди. Аммо биз фарзандларимиз учун тайёрлаб, тортиқ этадиган ширинлик таркибидига шакарнинг сифати ҳақида қўн ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Текширувлар жараёнида 8 та савдо дўконидagi шакар маҳсулотига (2 та маҳаллий ва 6 та хорижий) норматив-техник ҳужжатлар бўйича камчиликлар борлиги аниқланди.

СЎЗ БОШҚА, АМАЛ БОШҚА(МИ)?

Биламиз, тадбиркор халқни таваккал билан иш кўради. Баъзида қутилганидан ортиқ фойда олиб, ишлари юришса, баъзида камомад ҳам кўзга ташланади. Хомашё нархининг ошиб кетиши у ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархига таъсир қилади, албатта. Лекин бу харидорни алдаш керак, дегани эмас.

Рейдлар жараёнида айрим маҳсулотларнинг таркиби ва сифати унинг қадоғида ёзилган жимжимадор сўзларга мувофиқ эмаслиги аниқланди. 6 та савдо белгиси остидаги консерваланган сут маҳсулотлари (3 та маҳаллий, 3 та хорижий) синови натижаларига асосан, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг 3 турдаги маҳсулот таркибига ўсимлик ёғи мавжудлиги аниқланди. Энг қизиғи, қадоқда ўсимлик ёғи, умуман, кўрсатилмаган. Яна бир ҳолат ҳам мутахассисларни ажаблантирди: “Белмолпродукт” ОАЖ (Россия) маҳсулотига табиий сут миқдори белгиланган меъёрдан анча паст экан.

Бу каби ҳолат бошқа кузатувларда ҳам қайд этилди. Хусусан, иккита маҳсулот намунаси (“N Medov” Киевское масло 82 фоиз”, “FINLAND BUTTER” ХК, Ўзбекистон)да техник регламент талабларига зид равишда ўсимлик асосдаги мой-



лари ва ёғлар аниқланган. “FINLAND BUTTER” ХКни олсак, техник регламентнинг 51-банди бузилган, яъни маҳсулот қадоғида “сариеъ” атамаси келтирилган. Ҳолбуки, мой ва қаймоқли ўсимлик асосидаги маҳсулотларни маркировкалашда истеъмолчини чалғитиб, “сариеъ” атамасидан фойдаланиш тақиқланади.

Қўнчилик гўшт ва гўшт маҳсулотларини севиб истеъмол қилади. Айниқса, турли оилавий йиғинлар ва байрамлари уларси тасаввур қила олмаймиз. Расталарни тўлдириб, кўзни яшнатиб турган қолбаса ва консерваланган гўшт маҳсулотлари таркиби-чи? Улар талабга қанчалик мос?

Айтиш керакики, бир неча қолбаса маҳсулотидан намуна олиб текширилганида, 4 таси умумий техник регламентга номувофиқ деб топилди. Яъни маҳсулотда оқсилнинг умумий ҳиссаси 12 фоиздан кам бўлмаслиги белгиланганига қара-

май, уларда бу кўрсаткич ундан ҳам паст даражада қайд этилган. Бу, ўз навбатида, қолбаса маҳсулотига гўшт миқдорининг камайтирилганидан далолат беради.

6 та савдо номидаги консерваланган гўшт маҳсулот (4 та маҳаллий ва 2 та хорижий) учта намунадаги техник регламент талабига тўлиқ жавоб бериши маълум бўлди. Бошқа намуналарда эса гўшт, ёғ, оқсил ва ош тузи ҳиссаси бўйича талабларга номувофиқ кўрсаткичлар қайд этилган.

Шунингдек, инсон организмни кальций билан таъминлайдиган пишлоқ маҳсулотларининг сифати ҳам назоратдан ўтказилди. Аксарият пишлоқ намуналари таркибига ўсимлик ёғлари мавжудлиги аниқланди. Аслида техник регламент талабларига кўра, бунга йўл қўйилмайди. Айрим намуналарда ёғнинг умумий ҳиссаси меъёрдан ошиб кетган бўлса, айримларида намлик даражаси пастлиги аниқланди. Айтайлик, 10 хил намунадаги пишлоқ маҳсулот текширувдан ўтказилган бўлса, уларнинг 9 таси регламентнинг қайсидир талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди.

НАЗОРАТ ХАРИДИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ДАВОМ ЭТАДИ

Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги “Ўзстандарт” билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари миллий стандарт ва меъёрларга мувофиқлиги ҳамда маҳсулот ўраминидаги маълумотларнинг тўричилигини ҳолис ўрганишчи “Сифат назорати” телевизион кўрсатуви намойиши йўлга қўйилади.

Кейинги йилдан “Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ҳафталиги” тадбири Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили ноябрь ойида мунтазам ўтказилади.

Экспертиза натижалари тўғрисидаги маълумотлар агентликнинг www.consumer.gov.uz расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳи-

фаларида эълон қилиб борилади.

Албатта, бу каби жамоатчилик текширувлари орқали айрим тадбиркорлар зарар кўриши, сифатсиз маҳсулотини ўткази олимай қийналиши, фўрт турган бизнесининг илдирига болта урилиши мумкин. Аммо бу табиий ва тўғри қабул қилиниши керак бўлган жараён. Қайсидир сифатсиз маҳсулотни сотаётган тадбиркорга тўққинлик қилмаслик учун аҳоли саломатлигини хатарга қўйиб бўлмайди.

Бу аслида барча эътибор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир пайтда уларнинг фаолиятига аралашимдек туюлмаслиги керак. Чўнки бозорнинг ягона шарт — аҳолига хавфсиз ва сифатли маҳсулот етказиб бериш. Бу талаб бугун бугун дунёда амал қилади ва ҳеч қандай баҳона сифатсиз маҳсулот чиқариш учун асос бўла олмайди.

Ислохотлар амалда

Олимжон ИСМОИЛОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раиси

Жамиятда мустақил, одил судлов институтининг ташкил топиши ва фаолият юритиши ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омилдир.

МУСТАҚИЛ ВА ОДИЛ СУДЛОВ ИНСТИТУТИ —



тараққиётнинг муҳим мезони

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилмоқда. Биргина 2020 йилнинг ўзида бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури қабул қилинди.

Айтиш керакики, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишда суд тизимини малакали кадрлар билан тўлдириш, судьялик лавозимига номзодлар захирасини шакллантириш ҳамда судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини тақомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, суд тизимини малакали ва ҳалол кадрлар билан тўлдириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида судлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунчилиги ва асослилиги борасида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Масалан, биргина Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг барча инстанциясида бекор қилинган қарорлар 2018 йилда 2017 йилдагига нисбатан 443 тадан 329 тага, 2019 йилда 329 тадан 242 тага, 2020 йилнинг 9 ойида 210 тадан 131 тага қамайган.

Эришилаётган бу натижалар билан бир қаторда бошқа соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чўқур ўрганиш, таҳлил қилиш, унинг олдини олиш долзарб вазифадир. Бу муаммолар ечимини топишда эса судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш қўлланган самарга эришишга асосин яратди.

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлди.

Мазкур фармон асосида суд тизимига етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга муноси кадрларни танлаш, лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини ҳолис баҳолаш бўйича мутлақо янги тартиблар жорий этилиши белгиланди. Шунингдек, судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини баҳолашда ҳолис ва шаффоф тизим яратиш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий этиш назарда тутилди.

2021 йил 1 февралдан бошлаб суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Судьялар олий кенгаши ва суд тизи-

ми фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини интернет тармоғи орқали онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга қўйилади. Яна бир янгилик — судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга қўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқиш ва жорий қилиш белгиланди. Судья фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашнинг таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш тартиби назарда тутилди.

Судья ўз хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этса, жавобгарлик муқаррардир. Аммо ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ва прокуратура органлари томонидан судьянинг одил судлов ўтказиш фаолиятига аралашув бўлса, бу жамиятда адолат тамойилларини қарор топтиришга қийинчи бўлади. Шу жиҳатдан, фармонда бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида судьяга нисбатан жиноят иши юритиш жараёни алоҳида хусусиятларга эга экани белгилангани айтиш мумкин бўлди.

Фармонда судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш жараёнида ҳам судьянинг дахлсизлиги институтини татбиқ этиш белгиланди. Унга мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Судьялар олий кенгаши раиси киритган тақдирнома прокуратура органлари томонидан бир ой мuddатда кўриб чиқилади. Жиноят иши қўзғатилгани ёки қўзғатиш рад этилгани ҳақида Судьялар олий кенгашига Бош прокуратура томонидан хабар берилиши назарда тутилди. Эндilikда судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун қақаришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги бўлиши керак. Суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўққинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Судьялар олий кенгаши раиси Ўзбекистон Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этади.

Хулоса қилиб айтганда, суд тизимида амалга оширилаётган бундай ҳаётбахш ислохотлар, аввало, инсон қадр-қимматини улуғлаш, ҳаётимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини мустаҳкам қарор топтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ватанимиз раванглиги юксалтиришга хизмат қилади. Қолаверса, жаҳон майдонида мамлакатимиз нуфузи юксалишида, дунёга демократик давлат сифатида танилишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бундай хайрли ишларга улш қўшилиш, зиммамизга юкланган шарафли вазифани муносиб адо этиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

Жараён

Чимбой йирик лойиҳалар майдонида айланмоқда

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш, туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тазгара овул фуқаролар йиғини ҳудудида 2021 йил август ойида ишга туширилиши кутिलाётган йирик Агросаноат мажмуаси қурилишининг бошлангани бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди.

Корея технологияси асосида бунёд этилаётган, ҳар бири тўрт гектардан иборат 5 та иссиқхонада кундалик ҳаётда истеъмол қилинадиган мева ва полиз маҳсулотлари гидропоника усулида етиштирилади. Мазкур фаолиятини юритиш учун 150 та иш ўрни яратилади. Маҳсулотни етиштиришдан тортиб, қадоқлаш ва сақлашгача бўлган барча жараён шу ернинг ўзида амалга оширилиши мўлжалланган. Лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши туман иқтисодиётини кўтаришда муҳим аҳамиятга эга.

— Биз ушбу мажмуада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини гидропоника усулида етиштиришнинг режалаштирмоқдамиз, — дейди “Shimboyterlitsa” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алламбергел Турдиқулов. — Бугунги кунда 5 гектар жойда биринчи иссиқхонанинг қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Халқимиз дастурхони арзон помидор, бодиринг, турли хил цукки мевалар етиштирмоқчимиз. Айни пайтда 35 киши доимий иш билан банд.

Тумандаги йирик лойиҳалардан яна бири Чорвачилик мажмуасини ташкил этишдир. Бу лойиҳа чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва

чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Умумий майдони 35 гектардан ортиқ чорва мажмуасида қорамолчиликни саноат усулида етиштириш, қўнчилик ҳўжалигини ташкил этиш, чорва моллари учун омихта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Сут маҳсулотлари шу ернинг ўзида қайта ишланади.

— Бу йирик мажмуанинг лойиҳа қиймати 76 миллиард сўмини ташкил этади, — дейди Чимбой тумани ҳокимлигининг инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи ўринбосари Толибай Қаримсақов. — Натижада туманимиз аҳолисидан 250 киши доимий иш билан банд бўлиши кутилмоқда.

“Чимбой чорвачилик” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мамангелди Утемуратов банк кредити ҳисобидан 4 миллиард сўм ва ўз ҳисобидан 500 миллион сўм маблағ эвазига мажмуа қурилишининг биринчи қисmini бошлаш арафаси-



Ҳажми йўлдошев олган сўрат.

да. Қурилиш ишларига 1 миллиард 800 миллион сўм сарфланса, бино битгач, ҳар бири 30 миллион сўмлик 65 бош насли қорамол олиб келинади. 700 миллион сўмга зарур техникалар харид қилинади. Энг асосийси, 15 киши доимий иш билан таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Камалов туманда бўлиб, янги чорвачилик ва агросаноат мажмуаларида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Тадбиркорлар билан учрашиб, уларга сертификатлар топширди.



Халқаро конгресс

ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИ ВОҚЕЛИКЛАРИНИ ШОНЛИ ЎТМИШ БИЛАН БОҒЛАГАН АНЖУМАН

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан сузлаган нутқида ҳам ушбу жараёнга шундай таъриф берди: “Халқимизнинг улғув қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.”

Пойтахтимизда янраган карнай ва сурнай садолари 15 декабрь куни юртдошларимизни катта бир анжуман сари чорлар экан, иштирокчилар ва нуфузли меҳмонлар руҳиятини ва шжоатини кўриб, чиндан ҳам бугунги юртимиз, халқимиз ўзгача эканлигини дилдан ҳис қилдик. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг “Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори” IV халқаро конгресси коронавирус пандемияси даврида ўтаётганига қарамай, уч кун давомида барча илмий-маърифий ва маданий лойиҳалар ўзига хос янгиликлар ва эътиборга молик тақдирлар билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижий илмий доира вакилларининг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлди.

— Бугун мамлакатимизнинг илмий-маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлиб ўтаётди, — дейди Олий Махлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев. — Ушбу халқаро конгресс Ўзбекистондаги янги уйғониш даври ҳодисаларини шонли ўтмишимизда яратилган ноёб илмий-маънавий мерос билан боғлайдиган ажойиб кўприк бўлаётганлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Янги Ренессанс воқеликлари юртимизда аллақачон бошланиб улгурган. Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳалар ривожига назар ташласангиз, юртдошларимиз янгича дунёқараш ва улкан марралар билан яшаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳа, янги Уйғониш даври жамиятимизда, ҳар бир соҳада етишиб келаётган жараён.

Кўна юртимиз янги ранг-баранг ва ниҳоятда бой. Унинг ҳудудий жойлашуви, этник гуруҳларнинг кўчилиш турли мамлакатлар ва халқлар маданияти элементларини ўзлаштиришга имкон берди. Шу боис бизгача сақланиб қолган архитектура ёдгорликлари ни шубҳасиз дунё цивилизацияси бойликлари қаторига киритиш мумкин. “Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари каталоги” лойиҳаси борасида АҚШ ташқи сиёсатининг кенгаши қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ (CACI) институти асосчиси ва раиси, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти аъзоси Фредерик Старр шундай дейди:

— Англия, Германия, Франция, Польша ва Чехиядаги муваффақиятли тадбирлардан сўнг янги Ўзбекистон маданий ташаббуслари тақдимотлари Америкага ҳам етиб борди. Ҳали ҳеч қайси давлат дунёнинг турли тўпламларида бўлган ўз маданий меросини битта каталога тўпламаган. АҚШ олимлари Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қўллаб-қувватлайди.

Халқаро ҳамкорлик

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА ЎРГАНИЛМОҚДА

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу кунларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Халқ таълими вазирлиги ва Россия таълим академиясининг Таълимни ривожлантириш стратегияси институти билан ҳамкорликда Жаҳон банкининг READ дастури доирасида “Таълим сифатини миллий ва ҳудудий баҳолашнинг асосий хусусиятлари. Россия тажрибаси” мавзусида онлайн вебинар ўтказилди.

Таълим соҳаси тубдан янгиланаётган Ўзбекистонда таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларда, PISA, PIRLS, TIMSS ва TALIS дастурларида иштирок этиб, халқаро рейтингларда юқори ўринга эга давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Россия Федерациясида ҳам ўзига хос таъриба шаклланган.

Вебинар Россия тажрибаси мисолида миллий баҳолаш тизимини яратиб ҳамда мамлакат ва ҳудуд миқёсида таълим сифатини баҳолаш тизимининг илмий-методик асослари бўйича мутахассислар малакасини ошириш мақседида ташкил этилди. Унда таълим сифатини баҳолашга доир халқаро тажрибани ўрганиш, ҳудудий мониторинг тадқиқотлари ўтказиш ва унинг натижаларидан таълим сифатини

Юзлаб шарқшунос олимларнинг фаол хизматлари туфайли яқинда Ўзбекистоннинг умумтаълим мактаблари ва университетларидаги барча кутубхоналар Чехия, АҚШ, Италия, Германия, Япония, Буюк Британия, Россия, Ўзбекистон, Туркия ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг тўпламларидаги Ўзбекистоннинг маданий мероси ҳақидаги китоб-альбомларга эга бўлишди.



Ҳозирги кунда дунёнинг энг таниқли экспертлари юртимиз ҳақида сўз юритганида “Янги Ўзбекистон” иборасини бежиз тилга олишадигани йўқ. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, ҳар бир соҳада эришадиган залворли ютуқларимиз эътирофидир.



Янги Ренессанс воқеликлари юртимизда аллақачон бошланиб улгурган. Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳалар ривожига назар ташласангиз, юртдошларимиз янгича дунёқараш ва улкан марралар билан яшаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳа, янги Уйғониш даври жамиятимизда, ҳар бир соҳада етишиб келаётган жараён.

да Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти 100 дан ортиқ янги лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда.

— Биз мамлакатдаги ва хориждаги музейларда сақланаётган Ўзбекистоннинг маданий мероси ҳақида ҳўюқа қилувчи китоблар ва альбомлар нашр этиш, ҳужжатли ва бадиий фильмлар тайёрлаш, илмий форумлар ўтказиш, ўқув дастурлари яратиш, мамлакат маданий меросини тиклаш соҳасидаги мутахассисларнинг ишларини, қўнунчилигини такомиллаштириш, туризмни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни тадқиқ қилишни давом эттириш ниятидамыз, — дея таъкидланади Мурожаатномада. — Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврини амалга оширишга қаратилган Сиз эълон қилган миллий гоя, аввало, маданиятни сақлашга қаратилганлиги билан ҳам юксак ҳўрматга сазовор. Зеро, сиз айнан маданият, мамлакатнинг янги Уйғониш даври, жамият маънавиятининг юксалиши, халқни, айниқса, ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг пойдевори эканлигини яхши англайсиз.

Олимлар, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг мамлакатнинг маданий меросини асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашди ва бундан кейин ҳам миллий маданий меросни ривожлантириш ва сақлашга ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини билдиришди.

Шуниси эътиборга лойиқки, Бутунжаҳон жамияти аъзоларининг Республика Президентиға мурожаатини қабул қилиш яхши аънаъга айлиб бормоқда, бундай мурожаат тўртинчи марта қабул қилинди.

Ушбу нуфузли анжуман якунида иштирокчилар ва халқаро экспертлар руҳиятидаги ёруғ тилаклар ва режалар сурурини кузатиш, Алишер Навоий бобомизнинг: “Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг, ёр ўлинг бир-бирингизгким эрур ёрлғ иш”, деган мисралари ёдга келди. Ҳа, бу каби илмий-маърифий анжуманлар бир-бирига ҳамкор ва ҳамфикр бўлган эзгу ниятли инсонлар қалбини бир-бирига туташтиргани, бир мақсад қўлида биригаштира олгани билан эътиборга моликдир.

Рашид Ганиев олган суратлар.

Онлайн конференция

ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази: истиқболдаги режалар” мавзусида халқаро онлайн анжуман ташкил қилинди. Унда олимлар, маҳаллий ва хорижий давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.



— Бугунги даврда дин номидан гапирувчи ботил оқимлар тарқатаётган ақидавий, ғоявий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганадиган, мўътадил таълимоти кўрсатадиган, муслмонларга манتيқий ечимлар беришда кўмаклашадиган марказга эҳтиёж бор, — дейди Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Даврон Махсудов. — Шундан келиб чиқиб, янги ташкил этилган марказимиз олдиға бир қатор мақсадлар вазифа қилиб белгиланди. Мўътадил ислом таълимотини кенг тарғиб қилиш ва мутаассиблик ҳамда экстремизмга қарши кураш марказининг асосий вазифаси саналади. Буюк мутафаккир аждодимиз Имом Мотуридий ва унинг издошлари меросини чуқур ўрганиш, уларнинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тадқиқ этиш, миллий, диний кадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодини умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, ёт бўлган бузғунчи ва зарарли таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш олдимизга қўйган мақсадларимиздандир.

Тадбирда сўзга чиққанлар глобаллашув жараёнида намоён бўлаган мафкуравий таҳдидларга қарши кураш жараёнида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб, ушбу йўналишда ахборот ва таъриба алмашинуви, ислом дини ниқоби остида фаолият кўрсатаётган оқимларнинг деструктив гоялари тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларини ташкил этиш борасида келгусида амалга ошириладиган ишлар режасини ҳам муҳокама қилишди.

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ҳодими Аҳмад Саъд Даманхўрий жамиятлараро терроризм, ҳудосизлик тарғиботи ҳамда муслмон жамияти, айниқса, ёшларнинг илм-фандан орқада қолаётгани ҳақида сўз юритди. У терроризм балосига ёшларнинг илмисизлиги, ислом динидан беҳабар экани сабаб бўлаётганини айтиб, ёшларга замонавий илм-фанларни ислом таълимоти билан биргаликда бериб бориш зарурлигини таъкидлади. Анжуман давомида “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг мақсад ва вазифалари”, “Мотуридийлик ва соғлом эътиқод масалалари”, “Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти жаҳон ҳамжамияти нигоҳида”, “Мотуридийликнинг Туркия жамиятидаги ўрни” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Туркия Дин ишлари бошқармаси (Диянат) раҳбари Али Эрбаш ўз сўзида заминимизда етишиб чиққан буюк алломаларнинг башарият тамаддуни учун бемисл хизмат қўсатганини алоҳида қайд этди. Шунингдек, у бундай алломалар илмини бутун дунёға тараннум этиш халқаро Ислом академиясининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолишини ҳам айтиб ўтди.

Қизгин ўтган илм машваратида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини дунё жамоатчилигига кенг тарғиб қилиш, халқаро илмий-тадқиқот муассасалари билан илмий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, соҳага оид илмий изланишлар олиб бораётган жаҳоннинг етук олимлари билан марказ ҳодимларининг таъриба алмашинувини ташкил этиш, Имом Мотуридий ҳаёти ва илмий мероси ҳамда мотуридийлик таълимоти асосларини жаҳонга танитиш каби масалалар муҳокама этилди.

Анжуман якунида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ICESCO) билан Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ағлашув меморандуми имзоланди.

Жорий йилнинг 24-25 август кунлари россиялик мутахассислар иштирокида “Халқаро тадқиқотларда иштирок этиш — инсон капиталини ривожлантириш омилли” мавзусида онлайн вебинар ташкил этилган. Шу кунларда бўлиб ўтаётган вебинар ана шундай тадбирларнинг мантиқий давоми бўлиб, иштирокчиларга янада кўпроқ маълумот беришга қаратилган.


Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги фан ва халқаро масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссияси баённомасида Россия Маориф вазирлиги, Фан ва таълим соҳасини назорат қилиш федерал хизмати ҳамда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш белгиланган.

Жаҳон банкининг Москвадаги ваколатонаси таълим йўналиши бўйича катта мутахассиси, педагогика фанлари номзоди Тигран Шмис Жаҳон банкининг READ дастури кўмагида таълим сифатини баҳолаш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, Россия-

нинг таълим сифатини баҳолаш бўйича етакчи ташкилотлари билан ҳамкорликда мониторинг тадқиқотлари ўтказиш, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини баҳолашга йўналтирилган синов инструментларининг миллий базасини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик қилиш хусусида тўхтади.

Бугунги кунда Россияда таълим сифатини баҳолашнинг ягона тизими шакллантирилди. Ушбу тизим мамлакатда таълим сифати тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, мактаблар фаолиятига турли омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш имконини беради. Бунинг воситасида мактаблар ўзини ўзи баҳолайди, мавжуд муаммоларни аниқлайди, ота-оналар фарзандлари билими тўғрисида керакли маълумотларга эга бўлади.

Вебинарда икки томондан таълим сифатини баҳолаш соҳасида фаолият юритаётган мингга яқин раҳбар ва мутахассис, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари, умумтаълим мактаблари раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар иштирок этди.



Гулшаной ТУРСУНОВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси "Муסיқа тарихи ва танқиди" кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди

Ботир Зокиров халққа, авваламбор, етук эстрада хонандаси сифатида танилган. Унинг қисқа ҳаёти давомида драматургия, режиссура, кино, проза, тасвирий санъатда ёзиб қолдирган асарларига ҳам катта истеъдод тамғаси босилган.

Хонанда яратган бетакрор талқин ва ижро услуби Шарқ ва Ғарб қўшиқчилик анъаналарининг муштараклигини ақс эттиради. Эстрада жанридаги дастлабки тажрибалари учун Ботир Зокиров Европа ва собиқ СССР эстрада қўшиқчилигида орттирилган қўнимчаларни Шарқ ижрочилигининг бадий услублари, уларнинг умумий ва индивидуал хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш ва омухталгини топиш каби мураккаб йўлни танлайди. Қўл йиллик ижодий жараён давомида эришилган ҳулосалар замирида Ботир Зокировга хос "шахсий" эстрада қўшиқчилигининг миллий қиёфаси шакллана бориб, хонанда талқин этган ҳар бир асар қалбан ҳис этилиб, "дардли" овозда самимий ифодасини топган.

Ягона оҳанг, муайян куй чизгиси орқали қўшиқларни саҳналаштира олиш қўбиятига эга бўлган хонанда, ўз навбатида саҳнада оркестр билан уйғунлаша билиш маҳоратига эга эди. Хонанда қўшиқларининг ифодавий таъсирчанлик кучини оширишда оркестр чоғларининг хилма-хил тембр жипсларига монанд нозик тенор овозининг тембр рангларини топа олган. Ботир Зокиров ижро услубининг муҳим томони юксак бадий дид ва маданияти билан фарқланиб, талқин нуктаи назаридан халқро микёсда эътиборни ўзига жалб этади.

Ўзбекистонда эстрада санъатига эътибор ортиб бораётгани сари композиторлар, ижрочилар, муסיқашунослар ва умуман, кенг тингловчилар доирасида Ботир Зокиров феноменига қизиқиш ҳам кучаймоқда. Бунинг сири нимада?

Атоқли шоир Э.Межпайтиснинг "Ил-дизлар билан ер қазрига, ниҳоллар билан самого" нақлидан келиб чиққан ҳолда ва юқоридаги саволга жавоб топиш мақсадида Ботир Зокировнинг ижрочилик анъаналари, шу билан бира кенг қамровли ижодий фаолиятига мурожаат қилмоқчимиз.

Маълумки, ўзбек эстрада муסיқаси нисбатан навқиронлигига қарамай, муайян (тахминан олтинчи йиллик) тарихий асосга эга. Унинг шаклланиши ва дастлабки давр тараққиётида ҳал қилувчи улушларини қўшган санъаткорлар хизматини бирма-бир ўрганиб, уларга алоҳида муносабат билдирган ҳолда таҳлил ва тадқиқ этиш лозим. Илк эстрада санъаткорларининг ёрқин ижрочилик салоҳияти, бой ва сермахшўл фаолият қамрови замонавий ўзбек қўшиқчилигининг асос-заминини ташкил этиб, мазкур оммавий санъат қатламининг камол топишида муҳим омиллarga айланиб қолган. Бу борада XX аср жаҳон эстрадаси юлдузи, ўзбек эстрада қўшиқчилигининг асосчиларидан бири Ботир Зокиров анъаналари ниҳоятда улкан мавқега эга.

Ҳозирги замон эстрада муסיқаси мураккаб жараёнларни кечираётган бир пайтда миллий қадриятларимизни эъзозлаш, уларни илмий нуктаи назардан ўрганиш ва ибратли анъаналарни тиклаш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

XX аср фан-техникаси тараққиёти ва сиёсий-иқтимоий омилларининг мафкуравий ва таъсирчан кучи барча оммавий санъат-

ЎЗБЕК ЭСТРАДАСИ МИЛЛИЙ ҚИЁФАСИНING АСОСЧИСИ

лар қатори эстрада қўшиқчилик соҳасини олдинга суриб чиқарди. Мазкур санъатнинг ниҳоятда ҳозиржавоблиги ва ҳамиша ўзгарувчанлиги — замон талабларига мосланувчан табиати, ижобий ютуқлари билан бир қаторда мустақиллик даври санъати тизимига путур етказувчи салбий ҳодисаларни ҳам ўз ортидан етаклаб келди. Хусусан, бозор муносабатларига ўтиш жараёни маълум маънода эстраданинг "шоу-бизнес" тизимига айланишига сабаб бўлиб, мазкур санъатнинг асл моҳиятини ақс эттирувчи профессионал ижрочилик мезонларининг деярли йўқолишига олиб келди. Давлатимиз томонидан охириги йилларда эстрада санъатига қўрсатилаётган катта эътибор, унинг олдида узоқ йиллар давомида тўланиб қолган ижодий ва назарий муаммоларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар самара бериб улгурмай, амалда турли мунозаралар пайдо бўлиб, ушбу масала хануз мураккаблигича қолмоқда. Бундай масъулиятли ва мушкул вазиятда яқин тарихимизда миллий ғурурга айланган ноёб ва юқори бадий ижрочилик мактабини яратишга муваффақ бўлган Ботир Зокировнинг ижрочилик анъанаси ва феномени намуна сифатида қайд этилиши бежиз эмас.

Хонанданинг ранг-баранг репертуаридан Р.Ҳамзатов шеърига (Н. Гребнев таржимасида) В.Шаинский яратган "Бахт ҳақидаги қўшиқ" Ботир Зокиров ва унинг синглиз Луиза Зокирова билан илк бор биргаликда ижро этилган бўлиб, у қадар шухрат қозонмаган бўлса-да, маълум маънода хонанда ҳаётига ҳамоҳангдек туюлади. "Бахт ҳақидаги қўшиқ" гўё унинг бутун умри давомида эзгу мақсади ва ижодий изланишларини ифодаловчи бир рамзга айланди.

Ботир Зокировнинг мураккаб ҳаёти, бир вақтнинг ўзигада кенг қамровли фаолияти ҳамда қисмати бир томондан гўё порлоқ, иккинчи томондан ниҳоятда оғир бўлган. Хонанда ёшлик чоғларидан то умрининг сўнгги давларигача йўл-йўлакай ёзиб қолдирган кундаликлари, серфаол ижодий борлиги, маънавий меросимизда ва ҳозирги санъатимизда муносиб ўрин эгаллаши бежиз эмас. Зеро, унинг номи наинки Ўзбекистон, балки жаҳоннинг XX асрга мансуб сара хонандалари қаторида "ўзбек юлдузи" сифатида машҳур бўлиб, ижро маҳорати тан олиниб келинган.

Хонанданинг таржimai ҳолидан маълумки, унинг болалик чоғлари XX аср аскар ўзбек санъаткорлари фарзандлари ҳаётига ўхшаш кечган. У Москвада таваллуд топди. Ука-сингиллари каби ёшлигидан Алишер Навоий номидидаги опера ва балет театри ҳамда Мўқимий нимадаги Ўзбек давлат муסיқали театрлари спектаклларининг бевосита таъсирида ўсиб-ўлғайди. Ҳар доим хонандонларида янграган куй-қўшиқлар, отаси Карим Зокиров ва онаси Шохиста Саидованинг теран машқлари ёш Ботирда сандоқ эҳромига, театр ва қўшиққа бўлган чексиз муҳаббат чўғини солди.

Бу ҳақда хонанданинг "Кундаликлар"ида қуйидаги сатрлар мавжуд: "...Театр, бу сўз мен учун бениҳоят катта аҳамиятга эга. Менинг бутун болагимим ва ёшлик чоғларим ушбу гузал санъат билан чамбарчас

боғлиқликда кечган. Бунга иштиёқ ҳаётимнинг қайси даврида туғилди, билмайман. Назаримда, туғилишимдан олдин ошуфта бўлганман гўё... Эсимда, кичик синглим Луиза билан биргаликда онамиз ишлаган Мўқимий театри спектаклларида кўрган актёрларимиз ижросига тақдидан мўъжазгина болалар спектаклларини уюштирар эдик. Онамиз хоналарига яширинча кириб, гримларини деярли тугатиб, қўлбола костюмлар ўйлаб топардик. Биз, ҳатто, катта кўғирчоқ спектаклларини қўйишга ҳам уринганимиз. Кўғирчоқлардан тортиб то саҳна безакларигача ўз кўлларимиз билан ясар эдик. Умуман, ҳар нарса ва ҳамиша гўё театрдек эди".

Зокировлар оиласида тез-тез бўлиб ўтадиган қизиқарли учрашувлар, танқиди шорилар, актёрлар, хонандалар ва рассомлар билан бевосита мулоқотлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар Ботир Зокировда санъатга чўқур профессионал нуктаи назаридан ёндашиш, ва, муҳими, ижрочилик дидининг шаклланишида замин бўлди. Шу боис, мактабинг 9-синфини тугатмай, у ўз ҳаёти мақсадини англаган ҳолда Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсига киришга қарор қилади. Зеро, у тезроқ отаси Карим Зокиров билан саҳнада ён-



ма-ён роль ижро этишни орзу қилар эди.

1952 йили Ботир Зокиров консерваториянинг вокал бўлими талабасига айланди. Бу даргоҳда у Тошкент Ленинграддан келган вокал мактаби устаси — Евгения Ивановна Бузанская синфида тахсил олишдан бошлайди. 1952 йилнинг 20 августида хонанда "Мен ўз кундалигимни аjoyиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болагимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади. Ўша кун мен Тошкент Давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Ўша кунлардан бошлаб, мен муסיқа эҳроми — Консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб сеvimли машғулотимнинг тубсиз уммонига шўнгидим", деб ёзади.

Булажак хонанда талабалик давридаёқ опера, умуман, кенг санъати асосларини пухта ўзлаштиришга бор шижоати билан киришиб кетади. Овозни ижро палласига қўйиш, уни "очиш", нафасни тўғри тақсимлаш ва йўналтириш каби муҳим вокал ижрочилиги асосларини ўзлаштириб келаётган Ботир Зокиров, ўз навбатида, Шарқ ижрочилик анъаналари билан уйғунлиқни топишга астойдил ҳаракат қилади. Дарсдан ташқари вақтларини Ғарб ва Шарқ қўшиқларини ўрганишга бағишлайди.

Бир неча йиллар давомида Ботир Зокиров ва Луиза Зокирова саҳнада озарбайжон,

тожик, туркман, қирғиз, ҳинд, эрон, афғон, араб ашулаларини маромига етказиб, бадий таъсирчан дуэтлар ижро этадилар. Бироқ, хонанданинг 1955 йили бехос қўзғалган оғир ўпка хасталиги келажақдаги кенг қамровли орзу-умидларини қатъий чеклашни тақозо этди. Сув ва ҳаводек зарур бўлган соғлом вокал апаратидан жудо бўлиш Ботир Зокиров учун ўлим билан тенг эди.

Бир замонлар машҳур рус тенори, ноёб овоз соҳиб С.А.Пемешевнинг худди шундай хасталикка гирифтор бўлган ва муҳими, дардни енгиб, соғайиб кетганлиги хонанда қалбиде келажакка умид учқунларини пайдо қилди. Нафас олиш тобора қийинлашиб боришига қарамай, у тинимсиз меҳнат ва кучли ирода билан қуйлаш учун курашни давом эттирди.

Бешафқат тақдирга тан бергиси келмаган санъаткор жами опти марта жарроҳлик столига ётиб, мураккаблиги жиҳатидан "Катта тиббиёт энциклопедияси"га кирган операциялардан ўтказди. Операциялар орасидаги қисқа муддатли танаффусларда у ултуролмаётган ишларини амалга оширишга бор шижоати билан киришиб кетарди. Унинг машҳур қўшиқлари айни шу давларда тасмага туширилди, суратлари чизилди,



шеърлари битилди, асарлари таржима қилинди, либреттоси яратилди, "Музик-холл"нинг дастури тайёрланди, тарғиботчилик фаолияти амалга оширилди.

Ботир Зокиров учун жисмоний оғриқлар эмас, ҳаёти давомида рўбарў келган тўсиқлар ва зиддиятларни енгилш, муҳими — руҳий тетиклиқни сақлаб туриш мураккаброқ эди. "Наҳотки, ҳаммаси туғанган бўлса!.. Кундалиқдаги аянчи бу хитоб хонандани Москва давлат консерваториясида тахсилни давом эттириш учун топширган имтиҳонидан сўнг ёзиб қолдирилган. Маълум бўлишича, вокал факультетининг нуфузли мударрислари ёш хонанданинг овозини истиқболи йўқ, деб топадилар.

Ўшанда Ботир Зокиров таассуф билан Тошкентдаги устози — Евгения Ивановна Бузанскаяга йўллаган мактубига қуйидагича жавоб олади: "Қадрдоним Ботир! Барча ёзганларинг ниҳоят аламли... Сен, албатта, хонанда бўлишинг керак! .."

Афсуски, Ботир Зокиров консерваторияда ўқиниш тугатолмади. "Ёшлик" ансамблига раҳбарлик қилган таниқли режиссёр Александр Гинзбург хонанданинг режиссёрлик қўбиятини пайқаб, санъатдан, қўшиқдан йироқлаб кетмаслигини яратди Тошкент театр ва рассомчилик институтининг режиссёрлик факультетида ўқиниш тақлиф қилади. 1951 йилдан бошлаб, хонанда А.Гинзбург синфида тахсил олади. 1958 йили Ўзбекистонда

биринчи эстрада-симфоник оркестри ташкил этилиб, Ботир Зокиров синглиз Луиза билан оркестр яккахонларига айланади. Айнан ушбу эстрада-симфоник оркестрида, сўнг эса хонанда ташкил этган "Музик-холл" фаолиятида Ботир Зокировнинг ижрочилик салоҳияти такомиллашди.

Эстрададаги фаолиятидан ташқари, Ботир Зокиров адабиётда қалам тебратди, жозибали суратлар чизиб қолдирди, бир неча кинофильмларда суратга тушди. Уларда юқори профессионал маҳоратдан ташқари, ижодкорнинг иқтимоий дунёқараши, идеаллари ва касбий талаблари, қалб руҳиятининг нозик ва чўқур қирралари, қизиқишлари доираси ақс эттирилган бўлиб, Ботир Зокиров феноменини яратишда асос бўлади.

Ботир Зокировнинг опера жанридаги илк тажрибаси Икром Акбаровнинг "Сўғд элининг қоллоғи" операсига либретто яратиш билан бошланди. Унда либретточининг саҳна ва муסיқий драматургия қонуниятларидан воқиф бўлгани, композицион тузилиш, гоъвий мантиғи нуктаи назаридан етук опера андозалари билан қиёсланиши Ботир Зокиров истеъдодининг кенг ва теранлигидан далолат беради. Бироқ, ижодкорнинг ҳаёт мазмунини белгиллаган ижрочилик санъати, бевосита эстрада санъатидаги қўшиқчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Айнан қўшиқ хонанда ижодини белгиловчи бош омиллардан бирига айланди.

Ижодкор репертуаридан ўрин олган қўшиқларнинг деярли ҳар бири дард туғени, юқори профессионаллик маҳорати билан ижро этилган бўлиб, бадий-эстетик таъсирчанлиги билан тингловчига завқ-шавқ бахш этади.

Карим Зокиров ва Шохиста Саидоваларнинг тўнғич фарзанди — Ботирга туғма (ирсий) равишда онадан майин ва назокатли, отадан драматик, ширадор, баъзида димогда ифодаланувчи бетакрор тембр хусусияти овоз насиб этган эди.

Ёшлик давларидаёқ Ботир ўзини ниҳоятда кучли хотира ва нозик муסיқий дид эгаси сифатида намён этган. Таниқли Шарқ хонандаларининг ижросидан завқланиб, тақлид билан маромида хиргойи қилиш салоҳияти билан ён-атрофдагиларнинг диққат-этиборини тортар эди. У ўша давларда жаҳонга довриги таралган Италия "Ла Скала" театрининг машҳур хонандалари Эрико Карузо, Беньямино Жильи, Титто Руффо ижоди билан қизиқар, улар ҳаётидан эшитган ё ўқиган айрим воқеаларни ҳикоя қилар, қўшиқларини айтиб берарди.

Ботир Зокиров тинглаб, хиргойи қилиб юрган Шарқ ва Ғарбнинг етук опера намоёндалари асарлари, граммпластинкалардан эшитган, ён-атрофда кулоғига чалинган марокли қўшиқлар болалик чоғларидеёқ уни ошуфта этиб, келажағини белгилаб берди. Тошкент давлат консерваториясининг талабаси бўлганга қадар Ботир Зокиров маълум маънода Шарқона ва Ғарбга хос ижро усуллари ва йўлларидан хабардор эди. У саҳна ижрочилиги бўйича камтарин тажриба ва ширали овоз диапозонига эга эди.

Консерваторияда ўқиётган пайтида Ботир Зокиров ўзбек, рус, ва чет эл муал-

Ботир Зокировнинг мураккаб ҳаёти, бир вақтнинг ўзигада кенг қамровли фаолияти ҳамда қисмати бир томондан гўё порлоқ, иккинчи томондан ниҳоятда оғир бўлган. Хонанда ёшлик чоғларидан то умрининг сўнгги давларигача йўл-йўлакай ёзиб қолдирган кундаликлари, серфаол ижодий борлиги, маънавий меросимизда ва ҳозирги санъатимизда муносиб ўрин эгаллаши бежиз эмас.

лифлари романслари, опералардан арияларни ўрганиш жараёнида ижро услубини такомиллаштириб боради. Шу йиллардаёқ у "Ёшлик" ("Юность") эстрада ғуруҳида қатнашиб, янги замонавий эстрада йўналишларида яратилган қўшиқларини ижро эта бошлайди. Мазкур ансамбль Москвада бўлиб ўтган Бутунжаҳон талаба-ёшлари фестивалида (1957 й.) бронза мукофотининг совриндори бўлди.

Фестивалга тайёрланган қўшиқлар қаторида Шохиста опа Саидова қаламига мансуб "Ўзбекистон — менинг дийрим" қўшиғи ҳам ўрин олган эди. Уни Ботир Зокиров синглиз Луиза Зокирова билан биргаликда ижро этиб, қатнашчилар ва ҳакамлар ҳайъати таҳсинига сазовор бўлди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, оркестрда ўша вақтда таниқли композиторлар Ян Френкель, Альберт Малаховлар (оркестрнинг бадий раҳбари ва дирижёр) фаолият қўрсатиб, Ботир Зокиров репертуарида кейинчалик еш сара мумтоз асарларга айланган қўшиқларининг сайқал берувчилари бўлидлар.

Ботир Зокиров Ўзбекистон эстрада-симфоник оркестри билан ишлаган пайтида нафақат эстрада жанридаги асарлар, балки таниқли ўзбек композиторлари қаламига мансуб "Мумтоз" қўшиқ ва романсларни ҳам маромига етказиб қуйлаган. Бу Мутал Бурхоновнинг "Мафтун бўлдим" (номдош фильмдаги) қўшиғи ва "Намедонам, чи ном дорад" романи, Сайфи Жалилнинг "Мажнун монолоғи", "Кечалар юлдуз санаб" вокал асарларидир.

Композиторлар хонанданинг овозига махсус мўлжалланган қўшиқлар яратганлари маълум. Ботир Зокиров ижро репертуаридан ўрин олган асарлари таҳлил қилинар экан, биз кўплаб таниқли муаллифларнинг номларини учратамиз: Е.Шварц ("Яхшимисиз?"), Т.Бобоев ("Қиз ва хум", "Тақдир ҳақида қўшиқ", "Учрашув кўчаси", "Кекса муҳаббат"), Э.Қаландаров ("Қупола"), А.Мухаммедов ("Бир оқшом", "Сени эслайман") Э.Солихов ("Ҳеч ким айбдор эмас", "Соғинди жон"), С.Юдаков ("Ўзбек тангоси"), В.Шаинский ("Песня о счастье") ва бошқалар.

Хонанданинг репертуаридан ўрин олган турли халқлар қўшиқларининг асарият қисми оригинал (ҳинд, эрон, тожик, араб, украин, итальян, югослав, рус, француз) тилирида ижро этилган. Буларнинг барчаси Ботир Зокиров талқинларининг ҳақиқатан байналминнал моҳиятидан далолат бериб, хонанданинг нафақат Ўзбекистон, балки умумжаҳон муסיқа маданиятида тугган мавқеини аниқ белгилайди.

Бугунги кунда юзага келаётган эстрада муסיқамиз муаммоларини ижобий ҳал этиш жараёнида Ботир Зокировдан мерос бўлиб қолган анъаналарни эъзозлаш, ўрганиш ва тиклаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Юксак истеъдод соҳибининг ибратли ижрочилик санъати ва иқтимоий-маънавий фаолияти ўсиб келаётган ёш хонандалар учун намуна бўлибгина қолмай, том маънода санъат бобидаги фидойилик рамзини гавдалантиради.

Президентимиз томонидан 2021 йилда хонанданинг 85 йиллиғини юртимизда кенг нишонлаш ҳақида эълон қилинган қарор ушбу фикрларнинг ёрқин далилидир.